

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҒОФУРОВА МАВЛУДАХОН БОТИРЖОН ҚИЗИ

**КЎП ТИЛЛИЛИК ВАЗИЯТИДА НУТҚИЙ ВАРВАРИЗМЛАРНИ
ҚЎЛЛАШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**
(инглиз ва ўзбек тиллари материалида)

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Гофурова Мавлудахон Ботиржон қизи

Кўп тиллилик вазиятида нутқий варваризмларни қўллашнинг
лингвокультурологик тадқиқи (инглиз ва ўзбек тиллари материалида).....3

Gofurova Mavludaxon Botirjon qizi

Linguocultural study of the use of speech barbarisms in the multilingual
situation (on the materials of English and Uzbek).....23

Гофурова Мавлудахон Ботиржон қизи

Лингвокультурологическое изучение употребления речевых варваризмов
в многоязычной ситуации (на материале английского и узбекского
языков).....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....49

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҒОФУРОВА МАВЛУДАҲОН БОТИРЖОН ҚИЗИ

**КЎП ТИЛЛИЛИК ВАЗИЯТИДА НУТҚИЙ ВАРВАРИЗМЛАРНИ
ҚЎЛЛАШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ
(инглиз ва ўзбек тиллари материалида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2019.2.PhD/Fil850 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат
университети веб-сайти (www.adu.uz) ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим порталида
(www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Қўлдошев Ақром Махмудович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Ҳошимова Дилдора Мадамнновна
филология фанлари доктори (DSc)

Рустамова Дилрабо Абдурахимовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02
рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» апрель соат 11⁰⁰ даги мажлисида
бўлиб ўтади. (Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0(374) 223
8814; факс: 0(374) 223 88 30; e-mail: agsu_info@edu.uz)

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида
танишиш мумкин (76 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон
шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел: 0 (374) 223-88-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Шахобитдинова Ш.Х.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Усманов Ф.Ф.
Илмий даражалар берувчи
кенгаш котиби, ф.ф.ф.д.

Умарходжаев М.Э.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида глобализация жараёнининг муайян тил таркиби ва мазмунига таъсири ушбу тил амалда қўлланилишининг структур, семантик, стилистик жиҳатларини қай даражада ўзгартириши алоҳида эътибор жалб қилмоқда. Тилларнинг бундай ижтимоий таъсирга берилиши, ўз навбатида, тилларни функционал жиҳатдан режалаштириш муаммоларини юзага чиқаради ва шу нуқтаи назардан тилларни қиёсий ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон халқлари ўртасидаги алоқалар кучайиши оқибатида дунё тиллари луғатида аввал бўлмаган тушунчалар асосида янги сўзлар яратиш ва бунинг имкони бўлмаган ҳолларда бошқа бир ривожланган тилдан тайёр сўзларни ўзлаштиришга оид тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда. Бу борада тил соҳиблари нутқида тил меъёрлари ва тил бирликларининг нутқда қўлланишига оид ишлаб чиқилган мезон ҳамда қонун-қоидаларни этносоциал, иқтисодий-сиёсий ва маданий жиҳатларни эътиборга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш назарда тутилган социолингвистик, психолингвистик йўналишидаги қиёсий тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш”¹ долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Бу борада тилшуносликда кўп тиллилик вазиятида нутқий варваризмлар қўлланишининг лингвокультурологик хусусиятларини инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий аспектда илмий тадқиқ этиш, ўзбек тили луғат бойлигини янги унсурлар билан бойитиш, меъёрсиз ўзлашмаларнинг нутққа кириб келиши ва катта қўлланиш частотасига бағишланган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон Фармони // https://lex.uz/search/nat?form_id=3973&actnum=6084

меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Варваризмларнинг тил луғат таркибидаги ўрни, унинг нутқдаги услубий хусусиятлари, структур-семантик ва функционал жиҳатларини ўрганишга, турли тиллар мисолида тадқиқ қилишга С.Ю.Кравченко, Ю.Е.Галямина, А.Р.Тимиргалеева, Т.А.Алексейцева, Г.Ф.Каримова, Р.Юнусов, Л.П.Крысин, Е.В.Маринова, В.Н.Ненонежная, В.А.Дуплийчук сингари тилшунос олимлар томонидан жиддий эътибор қаратилди².

Ўзбек тилшунослигида варваризмларнинг муайян жиҳатлари Р.Юнусов, М.Ҳақимов, М.Б.Қосимова, А.Омонтурдиев, М.Миртожиев, Ш.Неъматов, Р.Расулов ишларида акс этган³. Варваризмларнинг тиллардаги дискурс типларида кўлланиши муаммолари Р.Ф.Касаткина, В.М.Лейчик, Л.В.Аминова, О.В.Обвинцова, М.А.Кузина, А.А.Елистратов, Е.О.Чурюканова, С.С.Беловалар⁴ томонидан тадқиқ этилган.

² Кравченко С.Ю. Обогащение русских синонимических рядов иностранной лексикой: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2000; Галямина Ю.Е. Транзитивность, залог и лексическая семантика глагола: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2006; Тимиргалеева А.Р. Иноязычная лексика немецкого происхождения в русском языке новейшего периода: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2006; Алексейцева Т.А. Экспликация как способ преодоления межъязыковой и межкультурной асимметрии в переводе: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2010; Каримова Г.Ф. Структурно-семантические особенности русских заимствований в английском языке: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2013; Юнусов Р. Бадий матнда варваризм ва вульгаризмлар лингвопоэтикаси: Докт. ... дисс. автореф. – Т., 2010; Крысин Л.П. Иноязычное слово в контексте современной общественной жизни // Русский язык конца XX столетия. (1985-1995). – М., 2000. – 240 с.; Маринова Е.В. Заметки об основных формах заимствования // Вестник ННГУ. Серия филология. Вып. 1(7). – 2006. – С. 35-38; Дуплийчук В.А. Новейшие англоязычные заимствования в русском языке в свете теории перевода: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2010. – 23 с.

³ Юнусов Р. Бадий матнда варваризм ва вульгаризмлар лингвопоэтикаси: Филол. фан. док ... дисс. автореф. – Т., 2010; Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1993; Қосимова М.Б. Бадий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари: Филол.фан.номз. дисс. ... автореф. – Т., 2007; Омонтурдиев А. Э.Аъзам асарларининг тил хусусиятлари. – Т., 2010. –120 б.; Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Т., 2000; Неъматов Ш., Расулов Р. Ўзбек тили лексикологияси асослари. – Т., 1995.

⁴ Касаткина Р.Ф. Новые лексические заимствования во взаимодействии с некоторыми звеньями русской консонантной системы // Жизнь языка: Памяти М.В. Попова. – М., 2007. – С. 268-271; Лейчик В.М. Интеллектуализация и демократизация – противоположения тенденции в развитии современного русского литературного языка // Русистика на пороге XXI века: проблемы и перспективы: – М., 2003. – С. 420-423; Аминова Л.В. Структурно – семантические особенности молодежного сленга в английском и французском языках: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2004. – 24 с.; Обвинцова О.В. Эвфемизм в политической коммуникации: на материале английского и русского языков: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2004. – 24 с.; Кузина М.А. Экзотизмы и варваризмы: функционирование в англоязычном художественном тексте. – М., 2017; Елистратов А.А. Английские варваризмы в жаргоне советских хиппи: структурно-семантический аспект // Филологические науки в России и зарубежном / Материалы междунар. науч. конф. – СПб., 2013. – С. 47-50; Чурюканова Е.О. Американизмы в британском и русском газетном стиле. Сопоставительный анализ: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2004; Белова С.С. Номинативная и этимологическая игра в художественном дискурсе: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2004.

Турли тиллардаги нутқий варваризмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари эса А.С.Шмунер, Н.А.Кохан, Е.Ю.Горшунова, А.В.Кашеева, А.В.Козлова, Т.А.Алексейцева, Л.В.Аминова, В.В.Чумак, Ф.А.Абдуллина ишлари⁵да ёритилган.

Мазкур йўналишда бажарилган ишларда инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмларнинг семантик, функционал, стилистик хусусиятлари қиёсан тадқиқ этилмаганлиги мавзунинг муҳимлигидан далолат беради. Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда варваризмлар инглиз ва ўзбек тиллари мисолида чоғиштира таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қўқон давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида варваризмларнинг семантик, функционал, лингвокультурологик хусусиятларини тавсифлаш ва қиёслаш ҳамда уларнинг тил меъёрларига муносабатини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларидаги туб сўзлар ва ўзлашган сўзлар функционал категоризациясини амалга ошириш;

тилларда лексик меъёр тушунчаси, унинг асосий тамойиллари ҳамда уларни белгилаб берувчи омилларни ўрганиш;

тил луғат таркиби услубий категоризацияси назарий тамойилларига асосланган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларига қабул қилинган варваризмлар таркибини аниқлаш;

тил луғат бойлиги стилистик категоризацияси тамойилларидан фойдаланган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмларнинг семантик хусусиятларини ёритиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги услубий жиҳатдан чегараланган лексика пайдо бўлишининг ўзига хос жиҳатларига ойдинлик киритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмларнинг лингвокультурологик белгиларини қиёслаш;

⁵ Шмунер А.С. Взаимодействие культурных картин мира как фактор, определяющий развитие значения и формы заимствованного слова: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2011; Кохан Н.А. Динамика национально-культурной составляющей семантики в процессе ассимиляции: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2008. – 22 с.; Горшунова Е.Ю. Этнические стереотипы англоговорящего социума и их вербализация в американской лингвокультуре: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2009; Кашеева А.В. Перекатегоризация в семантике слов английского языка как результат смены социально-культурный доминанты: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2008; Козлова А.В. Семантика и прагматика возможных миров в контексте философского дискурса прагматизма: опыт лингвистического исследования: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2008; Алексейцева Т.А. Экспликация как способ преодоления межъязыковой и межкультурной асимметрии в переводе: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2010; Аминова Л.В. Структурно-семантические особенности молодежного сленга в английском и французском языках: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2004. – 24 с.; Чумак В.В. Прагматика иронических высказываний в драматургических произведениях английских и американских авторов XX века: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2005. – 24 с.; Абдуллина Ф.А. Заимствования как результат взаимодействия в контексте межкультурной коммуникации: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2004. – 20 с.

инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмлар функционал кўламида содир бўлган ўзгаришларни чоғиштириб аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмларнинг семантик-функционал ҳамда лингвокультурологик хусусиятлари таҳлили ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, чоғиштириш, лингвокультурологик, компонент ҳамда контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маданиятлар тўқнашувида юзага келганлиги сабабли варваризмлар тил меъёрлари чегарасини кенгайтирувчи, тилнинг ифода потенциал имкониятларини кучайтирувчи, тил луғат таркибини бойитувчи манба эканлиги очиб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмларнинг лисоний мавқеи кўп тиллилик ва кўп маданиятлилик вазиятининг глобаллашуви сабабли юзага келиши экспрессивлик ва функционал-семантик жиҳатдан нутқий реаллашувдаги стилистик ўзига хослик, этник маданий жиҳатдан турличалик асосида далилланган.

инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишнинг фавқулодда кучайиши натижасида ҳозирги ўзбек тилига бу тилдан сўзлар тўғридан-тўғри варваризмлар ва экзотизмлар шаклида, семантик сўз яшаш, фразеологик калькалаш, перифрастик бирикмалар ҳамда эвфемизмлар шаклида ўзлаштирилаётганлиги назарий-амалий жиҳатдан исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмларнинг тузилишига кўра содда, кўшма, сўз қўшилмаси, мазмунига кўра денотати йўқ сўзлар, муносабатни билдирувчи сўзлар, қариндошликни билдирувчи сўзлар, кийим-кечак номлари, озиқ-овқат номлари, географик ландшафт номлари турлари лексик меъёрда кодификацияланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги тил қатламига кириб қолган, айниқса, инглиз тилидан кириб келган ўзлашмаларнинг ўзбек тили грамматик ва лексик тизими қоидалари асосида туб сўзлар билан уйғунлашуви, туб сўзларнинг структур-семантик ҳамда функционал жиҳатларига мос йўсинда ўзгариб, шу йўсинда ўзбек тили луғат таркиби қонуниятларига мувофиқ меъёрлашаётганлиги аниқланган;

инглиз тили ва ўзбек тилига ўзлаштирилган сўзлар тил луғат таркибининг барча қатламлари ва стиллари, оғзаки ва ёзма нутқига мансуб эканлиги амалий жиҳатдан исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларига ўзлашган варваризмлар лингвомаданий кодланган сўзлар бўлиб, улар ҳозирги макон ва замон тушунчасини ифодаловчи лексик бирлик сифатида замонавий технологик ривожланиш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда содир бўлаётган янгиликларни – янги объектлар, янги муносабатлар ва янги ҳолатларни номлаш учун қабул қилинган лексик бирликлар тарзида таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузалар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп тиллилиқ вазиятида инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқий варваризмлар қўлланишининг лингвокультурологик жиҳатлари чоғиштириб тадқиқ этилган бўлиб, назарий хулосаларидан тилшуносликнинг социолингвистика, лексикология, матн тилшунослиги, дискурсив тилшунослик, чоғиштира тилшунослик ва услубшунослик йўналишларидаги тадқиқотларда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Социолингвистика», «Лексикология», «Таржима назарияси», «Стилистика», «Чет тили (инглиз)» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма яратишда, замонавий бадиий ҳамда синхрон таржима, тилдаги нутқий варваризмлар луғатларини тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп тиллилиқ вазиятида нутқий варваризмларнинг структур-семантик, функционал ва лингвокультурологик жиҳатлари тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалар асосида:

ўрганилаётган тиллардаги варваризмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари, инглиз ва ўзбек тилларидаги туб сўзлар, ўзлашган сўзлар функционал категоризацияси доирасида тилларда лексик меъёр тушунчаси, унинг асосий тамойиллари ҳақидаги илмий хулосалардан №ОТ-Ф1-18 «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳада варваризмларнинг семантик-функционал ва лингвокультурологик хусусиятлари ҳамда уларни тил меъёрларига муносабати масаласини асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълими вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 89-03-4819-сон маълумотномаси). Натижада, варваризмларнинг оммавий лисоний маданият тушунчаси ҳамда тил меъёрларига муносабати масаласининг назарий талқини мукаммаллашган;

тилда варваризмларнинг пайдо бўлиш омилларини аниқлашга оид хулосалардан №574097-EPP1-2016-1-CY-EPPKA2-SVNE-JP «RUECVET: «Пилотирование Европейской системы перевода зачетных единиц (кредитов) для профессионального образования и обучения (ECVET) в национальных системах профессионального образования и обучения России и Узбекистана» (2016-2019) номли халқаро илмий лойиҳада тилларнинг софлиги ва тил таълимида лисоний меъёрнинг ўрнини асослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги 89-03-4819-сон маълумотномаси). Натижада тилнинг истеъмол

доираси чегараланган унсурларидан фойдаланишнинг лингвокультурологик асослари стилистик категоризация тамойиллари билан такомиллаштирилган; тил луғат таркиби услубий категоризацияси назарий тамойилларига асосланган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмлар таркиби ва семантик хусусиятларига доир таҳлилий фикрлари ва назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган «Бедорлик» туркум радиоэшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 25 мартдаги О'з/Р-9-21-сон маълумотномаси). Натижада радиотингловчиларга тил луғат таркибида варваризмларнинг услубий бўёқдорлиги, тил софлигига таъсири жиҳатлари очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 141 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тил луғат таркибининг меъёр ва сўзловчи коммуникатив фаоллигига муносабати масалаларининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида сўз ўзлаштириш муаммоларининг илмий адабиётлардаги талқини, сўзларни этимологик жиҳатдан таҳлил қилишнинг назарий асослари, сўз маъносини ўрганишнинг лингвокультурологик жиҳатлари баён этилган.

Бобнинг «Сўз ўзлаштириш муаммоларининг илмий адабиётлардаги талқини» фаслида варваризмларнинг тил меъёрига муносабати масаласи ёритилган.

Тил меъёри масаласи тилшунослик тарихида янги муаммо эмас. Ҳозиргача кўплаб тилшунослар бу масала устида бош қотирганлар. Жум-

ладан, Э.Косериус, О.Н.Коротков, В.Г.Гак, Д.Нериус, Н.С.Трубецкой, Н.Д.Арутюнова, А.А.Леонтьева, Л.А.Новиков, Г.В.Степанов, Л.В.Щерба, Н.А.Горбачевич, В.В.Качру, Р.С.Гоффин, Н.Шпицбардт, А.Э.Маматов ва бошқалар⁶ ўз асарларида тил меъёри масалаларининг назарий жиҳатлари ҳақида муҳим ҳамда асосли маълумотларни келтириб ўтганлар.

XVIII аср ва XIX аср бошлариданоқ тилшунослар тилларнинг ўзаро таъсири масалалари, чет тиллардан кириб келган сўзлар, уларнинг бошқа тилларга ўзлаштирилиши сабаблари, ўзлаштирилган сўзларнинг қабул қилувчи тил меъёрига муносабати, уларнинг қабул қилувчи тиллардаги ўрни ва вазифаларини белгилаш, донор тилнинг бу жараёндаги функциялари, варваризм каби ўзлашган сўз умрининг узун-қисқалигини белгилаб берувчи лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар, сўзларнинг ўзлаштирилган тилдаги мослашиш даври узун-қисқалиги каби бир қатор масалалар турли давр, мактаб ва йўналишларга мансуб дунё тилшунослари томонидан атрофлича, катта қизиқиш билан ўрганиб келинган.

XX асрнинг 90-йилларида бошланган янги геополитик ва социоллингвистик воқелик инглиз тили билан яқин алоқада бўлган барча тиллар каби инглиз тилининг ўзбек тили тараққиётига таъсири, ўша тилларда ўзбек тилига қабул қилинган сўз ва шакллар, дистрибуцияси, маъно ҳамда стилистик бўёқларнинг миқдорига эмас, балки ўзбек тилининг ўз имкониятларини ҳам кескин фаоллаштиришда, ўзбек тили луғат таркибининг янгича муҳит, шароитларда янги сўзлар билан жуда тез бойиб кетишида ҳам кўринади.

М.Пўлатов, Р.Дониёров, И.Расулов, С.Акобировлар рус ва ўзбек тилларининг ўзаро алоқаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, рус тили орқали тилимизга инглиз, немис, француз, испан ва бошқа тиллардан кириб келган лексик бирликларни ўрганишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашади.

«Варваризм инглиз тили луғат таркибига бошқа тиллардан кириб келган, ўз имлоси (график шакли) ва талаффузини сақлаб қолган сўзлардир»⁷.

⁶ Косериу Э. Синхрония, диахрония, история. В кн: Новое в лингвистике, Вып. 3. – М.: Прогресс, 1963. – С. 143-346; Гак В.М. К типологии и методике историко-семантических исследований. – Ленинград: Наука, 1979. – 212 с.; Трубецкой Н.С. Вавилонская башня или смещение языков. В. кн: Евразийский временник. – М., 2002. – 260 с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М: Языки русской культуры, 1998. – 800 с.; Леонтьев А.А. Психологическая структура значения // Семантическая структура слова: психоллингвистическое исследование. – М.: Наука, 1971. – С.7-19; Новиков Л.А. Семантика текста и её формализация. – М.: Наука, 1983. – 280 с.; Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л.: Наука, 1974. – С. 265-303; Качру В.В. The other tongue: English across cultures. – Urbana: University of Illinois Press, 1992. – 400 p.; Goffman E. Strategic interjection. – Philadelphia: University of Pennsylvania Press, 1969. – 145 p.; Шпицбардт Т.Г. Отличительные особенности американского варианта английского языка. // Теория языка. Англистика. Кельтология. – М.: Наука, 1976. – С. 233-243; Маматов А. Ўзбек тили этимологиясидан лавҳалар. – Тошкент: УзДКДУ, 2010. – 180 б.; Горбачевич К.С. Нормы современного русского литературного языка. – М.: Наука, 1978. – 320 с.

⁷ Бобохонова А. Инглиз тили стилистикаси. – Тошкент, 1990. – 86 б.; Josten F. Eindeutschung der Fremdwörter., in: Muttersprache, 1992; Kluge F. Etymologisches Wörterbuch der deutschen Sprache, 18. Auflage. 1960; Heller K. Das Fremdwort in der deutschen Sprache der Gegenwart Leipzig. 1966; Back E. Wesen und Wert der Lehnübersetzung. Diss. Gießen. 1966. Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Т., 2000. Неъматов Ш., Расулов Р. Ўзбек тили лексикологияси асослари. – Т., 1995. Лиценко И.И. Тендерный аспект неконвенциональной лексики в английском и русском языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2004. Абдуллина Ф.А. Заимствования как результат взаимодействия в контексте межкультурный

Варваризм муаммоси бошқа тилдан ўзлаштирилган сўзнинг тил меъёрига бўлган муносабати замирида пайдо бўлади. «Варваризм» нинг мақомини, ўрнини белгилаб берадиган асосий мезон бу – тил меъеридир. Меъёрлаштириш варваризмга тескари пропорционал, яъни меъёрлашув кучайса, варваризмлар камаяди ёки, аксинча, меъёрлашув кучсизланса, бўшаштирилса, варваризмлар сони нутқда кўпайиб кетади.

Сўз ўзлаштирилаётган тилда ўзлашаётган сўзнинг муқобили бўлиши ва унинг параллел қўлланиши тил меъёри учун одатий ҳол, объектив жараён бўлиши талаб қилинади. Масалан: *буккипер, эккаунтант, бухгалтер-ҳисобчи*.

Кўпчилик ўзлашмаларнинг туб маъносини бериш учун иборалар ёки бутун бошли гап тузиш керак бўлади. Масалан, *бутерброд* – устига сариеф суртилган ёки пишлоқ ё колбаса қўйилган бир бўлак нон.

Хорижий тиллардан кириб келган сўзларни тил грамматик тизимига мослашиши, адаптация мезонлариги кўра Э.Хауген варваризмларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилишни тавсия қилади: морфологик ўзгаришларсиз, морфологик жиҳатдан қисман ўзгарган (гипотиплар), морфологик жиҳатдан тўла ўзгарган сўзлар⁸.

Айтиш мумкинки, варваризм қабул қилувчи тил, қабул қилувчи тил таъсири остида ўзининг график шакли, талаффузи, сўз яшаш хусусиятлари ва маъно буёқдорлигини озми-кўпми ўзгартиради.

Америка лексикографлари маълумотига кўра, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра инглиз тилидаги сўзлар сони 1 млн 120 минг сўзга етган. Бунга асосан инглиз тилида кўплаб ўзбек сўзларини учратишимиз мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги *«choyxona, kurash, hashar, bairam, doppi, maxsi, maxsidoz, mahalla, guzar, atlas, adras, beshik, palov, sumalak»* ва юзлаб бошқа сўзлар бу луғатда инглиз тилининг луғат таркибига қабул қилинган сўзлар сифатида қайд этилган⁹.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими «Сўзларни этимологик жиҳатдан таҳлил қилишнинг назарий асослари» деб номланади.

Этимология умумий тилшуносликда ўзининг узоқ тарихига эга. Этимон сўзи грек тилидан кириб келган бўлиб, унинг луғавий маъноси «сўзни унинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан тўғри талқин қилиш»¹⁰ демакдир.

Этимология тушунчаси қадимги грек файласуфи Платоннинг «Кратил» асарида пайдо бўлган бўлса, этимология ҳақидаги дастлабки илмий-назарий изланиш XIX аср бошида яшаган А.Ф.Поттга тегишлидир¹¹.

Этимология фанининг кейинги тараққиёти асосан Ж.Жильерон, Й.Трир, В.Пизани, Р.Мерингер, В.Мейер-Любке, В.Шухардт, В.фон Вартбург, Э.Бенвенист, Г.Якобсон ва бошқа олимлар номлари билан боғланади.

коммуникации. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2004. Белова С.С. Нормативная и этимологическая игра в художественном дискурсе: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М. 2004.

⁸ Haugen E.I. Ecology of language. – Ldn, 1958. – 460 p.

⁹ Oxford Advanced American Dictionary. 2020. Oxford University Press

¹⁰ Словарь античности. Пер. с нем. – М.: Прогресс, 1989. – С. 668.

¹¹ Потт А.Ф. Этимологические исследования в области индоевропейских языков. – Т. 1-2. – 1983-1986.

Ш.Раҳматуллаев, А.Маматов, С.Қораев, Б.Вафоев, А.Севортян, Т.Нафасов, Ш.М.Қодирова, Х.Ҳасанов, Л.М.Каримова, Ф.Абдуллаев, Я.Ғ.Ғуломов, Ҳ.Т.Зарифов, И.Исроилов, Э.И.Фозилов ва бошқаларнинг ишлари ўзбек ва бошқа туркий тиллар этимологиясини турли жиҳатдан, шу жумладан, қиёсий ва чоғиштирма тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганишда салмоқли ўрин эгаллайди.

«Этимолог учун билиш зарур нарса бу – предмет номини атовчи сўзнинг қандай ясалганлигидир»¹². В.Пизани сўз этимонини аниқлашда асосий тамойил сифатида семасиологик тамойилни кўяди.

Тилшунослардан бир гуруҳи варваризмлар сўз семантикаси ва функциясига азалдан тегишли белгилар бўлиб, уларни тил луғат бойлигининг бир гуруҳи, жаргонизм каби бирор функционал гуруҳ деб қаралиши кераклигини уқтирадилар. Тилшуносларнинг иккинчи бир гуруҳи варваризмларни тилнинг стилистик қатламларидан бири деб қарайдилар ва уларни лексикологияда таҳлил қилиб ўтирмасдан, стилистик ҳодиса сифатида кўриб чиқадилар.

Биринчи нуқтаи назарга кўра, варваризм – моҳият, иккинчи нуқтаи назарга кўра эса варваризм – ҳодиса. Буни қуйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

[Лексикологияда – моҳият { ←варваризм →} Стилистикада – ҳодиса]

Сўз қабул қилинган тилга кирган, яъни сингган бўлиши учун бир қатор талабларга жавоб бермоғи лозим¹³, яъни: ўзлашган сўз уни қабул қилувчи тил қонуниятларига бўйсунди; сўз қабул қилувчи тил лексик-семантик тизимига боғланган, унга сингишган бўлади; ўзлашган сўз худди ўз сўздек табиий ва аниқ бўлади, ундан шубҳаланиш, уни бошқа сўзлар билан қориштириш хавфи йўқолади; сўз қабул қилувчи тил соҳиблари бўлган халққа худди ўз сўзидай туюлади.

Ўзлашма сўзнинг қабул қилувчи тил луғат таркибига сингиши маълум шароит ва хусусиятларга боғлиқ. Булар қуйидагилардан иборат.

1-жадвал

Ўзлашма сўзнинг қабул қилувчи тил	№	Шароит ва хусусиятлари
	1	Ўзлашма сўз уни қабул қилган тилнинг амалдаги ёзув хусусиятларига мослашган бўлиши
	2	Чет сўз ўзлаштирувчи тил грамматик гуруҳлари, категорияларига мос келиши
	3	Сўзнинг қабул қилувчи тилда фонетик қайта шаклланиши
	4	Чет сўз қабул қилувчи тилга грамматик жиҳатдан сингиши
	5	Чет сўз қабул қилувчи тилнинг сўз яшаш тизимида фаол иштирок этиши
	6	Чет сўзнинг қабул қилувчи тилга семантик жиҳатдан сингиши

¹² Пизани В. Этимология: история, проблемы, метод. – М., 1956. – С. 56.

¹³ Сазанец И.В. Английский гибрицизм: производные гибриды: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2008 – 22 с.; Горошук А.В. Эволюция этимологической характеристики в словарях английского языка различных типов: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2009. – 24 с.; Кашеева А.В. Перекатегоризация в семантике слов английского языка как результат смены социально-культурной доминанты: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2008; Кариова Г.Ф. Структурно-семантические особенности русских заимствований в английском языке: Автореф. дисс. ... канд. наук. – М., 2013; Шмунер А.С. Взаимодействия культурных картин мира как фактор, определяющий развитие значения и формы заимствованного слова: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2011. – 23 с.

7	Ўзлашма сўзнинг қабул қилувчи тилда маъноси аниқ бўлиши
8	Ўзлашма сўзнинг маъноси қабул қилувчи тилда дифференциалланган бўлиши
9	Чет сўз уни қабул қилган қабул қилувчи тилда узлуксиз ишлатилиши керак

Бадий асарда қўлланаётган экзотик лексика бошқа халқларнинг турмуш тарзи, уй жиҳозлари, расм-русум, одат-байрамлари, кийим-кечаклари, овқатлари ва бошқалар ҳақида ахборот бериши кўзда тутилади¹⁴.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «Сўз маъносини ўрганишнинг лингвокультурологик жиҳатлари» деб номланади.

Тилда ифода қилинаётган тушунчалар тизими тушунчаларнинг шундай мураккаб алоқаларини ифода қиладики, улардан комплекс тарзда фойдаланиш инсон фикри мазмунини турли йўллар билан, яъни содда ва тасвирий таърифлар ёрдамида бера олиш имконини беради. Мана шу нарсада тилнинг ўзига хос хусусияти, яъни тил – фикрни шакллантириш курали, тил нафақат билимларни сақлаш воситаси, балки тафаккурнинг уни бор тараққиёти динамикаси билан ифода этиш усули ҳам бўла олади. Варваризмларнинг лингвокультурологик муаммоларини ечиш учун турли тиллардан ажратиб олинган алоҳида тил воқеа-ҳодисаларини солиштиришга уринишларни методик жиҳатдан тўғри деб бўлмайди. Бу ерда, асосан, икки баҳсталаб ҳолатлар кўзга ташланадики,

- а) биринчи ҳолатда варваризмларни тушунчалар системасига эмас, балки бевосита моддий борлиқдаги мавжуд нарсалар билан қиёслашга уринишдир;
- б) иккинчи ҳолатда бу тилдаги у ёки бу варваризмларни тил тизимидан ташқарида таҳлил этиш, бошқача қилиб айтганда, таҳлилга тилнинг мураккаб механизмининг таъсир кўлами тортилмаслиги оқибатида бу ерда ҳукм сураётган лексик, грамматик ва бошқа воситаларнинг ўзаро бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги компенсацияси эътибордан бутунлай четда қолиши;

Биринчи ҳолатда муаллифларни «дунёнинг лингвокультурологик модели мавжуд» деган хулосага олиб келади. Аслида эса тилшунос ҳар қандай тушунчани ифода эта олишга қодир умумий тил тизимида конкрет шаклларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериши керак.

Иккинчи ҳолатда тилнинг бутун бир тизим тарзида таҳлил қилиш мумкинлиги инкор этилади ва бошқа тилларга ҳеч бир тизимсиз қиёсланади, инглиз тилидаги матнда ишлатилган ҳолатда варваризмларни тасвирий воситалар билан таржима қилиниши эса ўзбекларда бу тушунчани, бу нарсани аввал ҳеч қачон учратмаганлигини билдиради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тилларга варваризмлар кириб келишининг ва ривожланишининг умумий қонуниятлари**» деб

¹⁴ Қаранг: Акуленко В.В. Вопросы интернационализации словарного состава языка. – Харьков, 2004. – 215 с.; Микитич Л.Д. Иноязычная лексика. – Л., 2007; Акабиров С. Лексикографические разработки терминологии в двуязычных словарях: Автореф. дисс. ... канд. наук. – Ташкент, 1989; Тихонов А.Н. Роль русского языка в обогащении лексики узбекского языка. – М., 1997; Haugen E. The analysis of linguistic borrowing. – “Language”, vol. 26. – №2. – P. 210.

номланади. Бобнинг биринчи бўлимида «Ўзга тилларга варваризмлар кириб келишининг лингвокультурологик шарт-шароитлари» баён қилинган.

Нутқда варваризмларнинг қўлланиши сўзловчи инсоннинг ўзга дунё маданиятини таснифлаш, англаш фаолиятида жиддий аҳамият касб этади. Варваризмларнинг лингвокультурологик жиҳатларини ўрганиш иккиламчи номлашни, яъни меъёрли ёки меъёрсиз ўзлаштирилган сўзларни ўрганиш у ёки бошқа халқнинг дунёни тил орқали тасвирлашдаги миллий ўзига хос жиҳатларини очишга ёрдам беради.

Варваризмлардан чўчиш, тилни соф сақлаш, пуризм тенденциялари, хорижий тиллардан сўз ўзлаштиришдан хавфсираш, хорижий тилларни рад этиш тилнинг ўз воситалари ҳисобига сўз ясаш жараёнини фаоллаштиради.

Таъкидлаш жоизки, ўзга тил дунёсининг лисоний тасвирини яратишда варваризмлар ягона восита ёки ифода усули бўла олмайди. Тилда варваризмларнинг юзага келиши инсон ташқи ва ички дунёсида нарсасаларнинг ўта нозик тафсилотларини акс эттиришга интилиш ҳамда уларни атамаларда қайд этиш билан боғлиқ.

Е.В.Маринова, Л.П.Крысин, Р.Ф.Касаткина, Ю.С.Сорокин ва бошқаларнинг ишлари¹⁵да турли муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ўхшаш қурилмалардан варваризмларни ажратиш мезонлари баён қилинади.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида «Инглиз тилида қўлланиладиган варваризмларнинг функционал-семантик хусусиятлари, структурал таҳлили» тадқиқига эътибор қаратилган.

Инглиз тилида сўзлашувчи шахсларни, деярли, барча минтақаларда учратиш мумкинлиги бу тилнинг дунёдаги бошқа тиллар билан бевосита алоқа имкониятини, даражасини кўрсатади. Бу эса инглиз тилида ижод қиладиган муаллиф ўзи мулоқотда бўлган халқлар вакиллари билан гаплашганда, беихтиёр, хоҳлаган ёки хоҳламаган ҳолда, инглиз тилидаги сўз ва ибораларни, баъзи ҳолларда эса бутун-бутун жумлаларни ўз она тилида айтишига олиб келади.

Масалан: «*Il piove, the wife said*». Мазкур жумлада Э.Хемингуэй томонидан италянча варваризмнинг қўлланиши, энг аввало, ушбу суҳбатнинг Италияда бўлаётганлигидан дарак беради. Ёзувчи оддийгина қилиб «*It is raining, the wife said*», деб қўя қолса ҳам бўларди, аммо бу Э.Хемингуэйдек ёзувчининг маҳоратини хиралаштириши мумкин эди.

Варваризмларни бадий асарларда қахрамоннинг нутқида қўллашнинг яна бир сабаби муаллифнинг ўз иқтидорини, яъни муаллиф кўп тиллар ва мамлакатларга оид билимга эга эканлигини кўрсатишга уриниш натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Одатда, бу ўринда кўпроқ Frau, Monsignor, Herr, Madmoiselle ва ҳ.к. шу каби ўзига хос интерационаллашиб, аниқроғи, глобаллашиб кетган варваризмлар ишлатилади.

¹⁵ Маринова Е.В. Заметки об основных формах заимствования // Вестник ННГУ. Серия филология. Вып. 1(7). 2006. – С. 35-38; Крысин Л.П. Иноязычное слово в контексте современной общественной жизни // Русский язык конца XX столетия (1985-1995). – М., 2000. – 240 с.; Сорокин Ю.С Развитие словарного состава русского литературного языка: 30х-90х годов 19 в. – М., – Л., 1963. – 140 с.

Варваризмлар структурал таркибини таҳлил қилиш учун инглиз тили оғзаки ва ёзма нутқида қўлланилаётган варваризмларнинг морфологик хусусиятларини тизимли тадқиқ этдик. Таҳлиллар бизга қуйидаги натижаларни берди. Варваризмлар таркибига кўра содда ёки ясама сўз; қўшма сўз; сўз бирикмаси; турғун сўз бирикмаси ва гап шаклида учрайди. Масалан, содда сўз шаклидаги: *vous* (фр.) -сиз; *cabaret* (фр.) - кабаре; ясама сўз шаклидаги *hotelier* (фр.) - меҳмонхона хўжайини; *connabdant* (фр.) -майор; қўшма сўз шаклидаги: *chinoserie* (фр.) - хитой тақинчоқлари; *malchance* (фр.) - ёвуз тақдир; сўз бирикмаси шаклидаги: *femme de menage* (фр.) - оқсоч; *brutto tempo* (итал.) -оғир замонлар; *signor maggiorre* (итал.) -жаноб майор; гап шаклидаги: *Il piove* (итал.) – Ёмғир ёғаяпти. (Е.Н) каби варваризмлар структурал жиҳатдан ўзаро фарқланади.

Варваризмларнинг маданиятлараро мулоқотда кўприк вазифасини бажариши яқин-яқингача тилшунослар томонидан инкор қилиниб келинади. Антропоцентризм парадигмасининг бу соҳага кириб келиши масалага янгича ёндашув, янгича қоидалар яратиш ва улар ёрдамида янги хулосалар чиқаришга олиб келди.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлимида «Инглиз тилидан ўзбек тилига варваризмлар кириб келишининг функционал-семантик хусусиятлари» га эътибор қаратилган.

Глобализм халқлар, маданиятлар, тиллар ўртасидаги алоқаларни шу қадар чуқурлаштириб юбордики, натижада чет тиллардан ўзбек тилига сўз қабул қилиш ҳеч кимни хайратлантирмайдиган, оддий ҳодисага айланиб қолди.

Эътибор беринг, ҳозир ТВ ва радио, реклама ва ОАВ, ёзма ва оғзаки нутқда, нейтрал ва касбий бўёқланган нутқда, ўзимиз билиб-билмай, жуда кўп ўзлашма сўзларни қўлламоқдамиз. Масалан, «Oydin hayot – life» («Парвина» газетаси, 2019 й, 17 июнь, 2-бет); «Агроинновация»; «Инновацион стратегия»; «Объектив нигоҳида»; «Телемушоҳада»; «Камерадар»; «Ёшлар пресс клуби»; «Тошкент-24 интервью»; «Телемагазин»; «МФактор» ; «Мобил-камера»; «Телемаркет»; «Hi-Teck»; «Спорт-Репортаж»; «Бизнинг легионерлар»; «Beauty lab»; «Беби Бум»; «Арт-туризм»; «Мега дунё»; «Интеллект-шоу»; «Кинопро»; «Образ-шоу»; «Патнёр»; «Репортер»; «Образ шоу»; «Хит-парад»; «Силўэт»; «Омад шоу»; «My shop»; «Петро ҳажвия»; «Кино шоу»; «Mus IQ»; «MTV show kids»; «Lazzat style»; «Real hit»; «Бинго»; «Sitro shou»; «Smile shou»; «M-News»; «Bojalar community»; «Бумеранг»; «Стилист шоу»; «Бойвачча шоу»; «Музқаймоқ парти»; «Stand up show»; «The cover up»; «Joziba kids»; «Top-top shou»; «Sketch shou»; «Online 360»; «Бай-бай шоу»; «Омад шоу»; «Талант шоу»; «Божалар drive»; «Реалитишоу»; «Репортер – дайжест»; «Меҳригиё ток-шоу»; «Comedy kids»; «Миллионер шоу»; «Телевояж» ва ҳоказолар.

Шунча инглиз сўзлари биргина теледастурлар газетасининг бир ҳафталик сонидан учради. Сиёсий, рекламавий, тижорий, спортга оид ёки илмий-технологик матнлар, суҳбатлар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади, чунки у ерда *саммит*, *брифинг*, *дефольт*, *депортация*, *конфликт*, *консенсус*, *квота*,

кредит, прокуратура, протест, блогер, микро ҳудуд, коррупция, монополия, мастер класс, рольштор, москит сеткалари ва ҳ.к.ларни учратиш мумкин.

Бу ўринда биз ўзбек тилига кириб келган кўплаб нутқий варваризмларни бир ўринда бериб ўтдик. Энди бу варваризмларни нима учун ўзбек тилига кириб келганлиги ҳақида мулоҳаза юритиб кўрамиз.

«Stand up show» кўрсатуви асосий мақсади бошловчи санъаткорларга эфир имконини бериш, ТВда ўз кўшиқ, рақс ёки мусиқа ижролари билан чиқишни ташкиллашдан иборат. Албатта, мақсад яхши, таъсисчилар олижаноб ишга кўл урганлар. Аммо «Stand up show» номи билан кўрсатув мутасаддилари замонавийликка интилиб, ўзлашмага мойиллик қилишган.

Масалан: *Ётган ерида бир тишлам биладия еб уйқуга кетади.* (С.Сиёев)¹⁶.

Мазкур мисолда келтирилган «биладия» сўзи рус тилига ҳиндий тилидан кириб келган бўлиб, у ўзбек тилида «зоғора нон» деган маънони беради. Бу ерда муаллиф «бир тишлам зоғора нон» эмас, «бир тишлам биладия» дейиш учун варваризмни қўллайди. Ушбу варваризм муаллиф томонидан аниқ бир стилистик мақсад – миллий колоритни ифодалаш учун ишлатилган, чунки «зоғора нон» тушунчаси ўзбеклар лексиконида салбий бўёққа эга бўлса, хиндларда у одатий, кундалик истеъмол маҳсулоти саналади.

Варваризмлар инглиз ва ўзбек тилида қатор функционал хусусиятларини намоён қилади. Бу нутқий вазият, нутқ иштрокчилари муносабатлари асосида таҳлил қилиниши зарур.

Умуман олганда, ўзбеклар нутқида варваризмларни қўллаш янгилик эмас. XX-XXI аср бошларигача ўзбек тилига варваризмлар кўпроқ рус тилидан ўзлашган. Бунинг сабаби шундаки, ўзбекларнинг катта қисми рус тилини мулоқот даражасида яхши билар, рус тилидаги адабиётларни ўқир, ОАВ, кино, театр, интернетдан рус тилидаги ахборотлардан кўп фойдаланарди. Бу нарса, табиийки, уларнинг ўзбек тилидаги нутқида таъсир қилмай қолмасди. *Короче, ладно, конечно, ну, давай* ва ҳоказо юзлаб варваризмлар уларнинг нутқини тавсифлаб турарди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларидаги варваризмларнинг лингвокультурологик тадқиқи**» деб номланади. «Варваризмларни тилга ўзлаштириш жараёнида нутқий мулоқот ва лисоний онгнинг аҳамияти» масаласи бобнинг биринчи бўлимида ўрганилган.

Миллий онг ва унинг тил билан боғлиқлиги устидан олиб борилган тадқиқотлар бой лингвистик тарихга эга бўлиб, булар В.Гумбольдт, В.Вундт, А.А.Потебня, этнотилшунослар Л.Вайсгербер ва бошқалар олиб борган илмий тадқиқотларда учрайди. Охирги пайтларда «лисоний онг» деган тушунча кенг тарқалмоқда, у асосан тилшунос, маданиятшунос, этнограф ва шу кабилар томонидан ишлатилмоқда¹⁷.

¹⁶ Сиёев С. Саратонда қор ёғди. – Тошкент, 2017.

¹⁷ Қаранг: Гумбольдт В. Фон. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1987. – С. 127-212; Вундт В. Физиология языка. – СПб, 2006. – 242 с.; Потебня А.А. Мысль и язык. – М.: Синто, 1993. – 342 с.; Вайсгербер Л. Родной язык и формирование духа. – М.: Изд.МГУ, 2004. – 229 с.; Болдырев Н.Н (отв. ред) Язык и национальное сознание. Сборник статей. Вып 1. – Воронеж, 1998. – 320 с.; Болдырев Н.Н (отв. ред) Язык и национальное сознание. Сборник статей. Вып 2. – Воронеж, 1999. – 340 с.; Болдырев Н.Н (отв. ред) Язык и

Лисоний онг (бошқа атамаларда тил тафаккури, нутқий фикрлаш) «нутқ хабарларини тарқатувчи ва англовчи, алоқа ўрнатувчилар ишлатадиган билимлардир». Лисоний онг – бу тил (нутқ) механизмлари фаолияти: нутқнинг пайдо бўлиши, нутқни англаш ва онгда тилни сақлашни таъминловчи онг қисмидир¹⁸.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида «Инглиз ва ўзбек тилларига кириб келган варваризмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари» таҳлил қилинган.

Инглиз тилида қўлланадиган варваризмларнинг талайгина қисмини немис тилидан кирган сўзлар ташкил қилади. Уларнинг айримларида имло ўзгаришлари кузатилади, айримлари эса бу каби ўзгаришлардан ҳоли.

Масалан: *Biergarten* – немис тилидаги оригинал вариант – *Biergarten*; *Schnapps* – немисча варианты *Schnaps*, ароқ; *Wienerschnitzel* – венача шницель; *Zweie back* – икки томони пиширилган; *Stein* (Beir Stein дан) – катта, пиво ичиладиган кружка; *Rucksack* – рюкзак, юк халта; *Turnverein* – гимнастикачилар клуби ёки жамияти; *Meister* – мастер. Бу сўз суффикс сифатида ҳам ишлатилади. Италия тилидан кириб келган *маэстро*га киноявий жиҳатдан қиёсланади; *Loanword* – немис тилида *Lehnwort*, аммо инглиз тилида «калька» га тўғри келади, ўзлаштирилган сўзга эмас ва ҳ.к¹⁹.

Kobald – «афсонавий, кичик, ёвуз иш-амалларни бажариб юрувчи жонзот». Бу жонзот инглиз тилида «*goblin, hobgoblin, imp*» сўзлари билан аталади. Ўзбек тилида *гномлар, эльфлар* ва шу каби сўзлар билан таржима қилинади. Шуниси эътиборга лойиқки, кобальт металл номининг келиб чиқиши мана шу «*kobold*» сўзига боғланади.

Юқорида келтирилган варваризмларнинг аксарияти сўз ва фразалар бўлса, гап шаклидаги варваризмлар ҳам Буюк Британия ва АҚШда оғзаки ва ёзма нутқ намуналарида кўплаб учрайди. Масалан: *Gott wuffuit nicht! // God does not play dice // Худо қимор ўйнамайди* (Эйнштейн).

Кўринадики, немис тилидан кириб келган варваризмлар бу икки тилнинг келиб чиқишидаги, тарихий ривожланишидаги ва структуравий-функционал жиҳатларидаги умумийлик, қолаверса, бир хил иқтисодий-сиёсий ривожланиш билан изоҳланади.

